

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

---

**М.А. РАХИМОВА**

**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ  
ТАЖРИБА**



ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2015

УЎК: 342.536.12  
КБК 67.400.5(5Ў)  
Р 29

**Тахрир ҳайъати:**

*Абдусаломов М.Э., Ортиқова С.Б.,  
Абдувахитов А.А., Нурматов Н.Н.*

Ушбу рисола президент сайлови, президент институти тушунчаси, президентнинг конституциявий мақоми ва сиёсий тизимдаги ўрни, ваколатлари, президент сайловларини ўтказиш тажрибаси, сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари ҳамда ГФР, АҚШ, Франция давлатларининг конституциявий тажрибалари асосида ёритилган.

ISBN 978-9943-28-259-9

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015

---

## ПРЕЗИДЕНТ ИНСТИТУТИ

Давлат ҳокимияти тизимида президент лавозимининг таъсис этилиши турли сиёсий жамиятларда президентлик институтига бўлган эътиборни сезиларли даражада кучайтиради. Мазкур институтнинг жорий этилиши мамлакат давлатчилиги тараққиётида янги босқични бошлаб беради. Чунончи, 2014 йилгача БМТга аъзо бўлган 193 мамлакатнинг 130 дан зиёдида президент лавозими таъсис этилган. Бир томондан, бу рақам ҳозирги дунёда президентлик институтининг тарқалиш кўламини акс эттирса, иккинчи томондан, турли мамлакатларда президентларга берилган ваколатлар ҳажми турлича кўрсатади.

Икки асосий – республика ва монархия – бошқарув шакли мавжуд деб ҳисоблаш одат тусини олганига қарамай, аксарият ҳолларда «президентлик бошқаруви шакли», «парламент бошқаруви шакли» сингари иборалар қўлланилади. Назаримизда, «бошқарув шакли» тушунчасининг анъанавий талқинидан келиб чиқиб, илмий терминология нуқтаи назаридан президентлик, ярим президентлик, парламент бошқарув тизимлари ҳақида гапириш ўринли бўлади.

«Президент» атамаси лотинча «praesidens» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «олдинда ўтирувчи» деган маънони англатади. Антик даврда турли мажлисларда раислик қилувчиларни президентлар, деб аталган. «Президент» сўзининг мазкур дастлабки маъносидан кейинчалик шу номдаги лавозим, масалан, сенат президенти лавозими келиб чиққан. Бироқ «президент» атамаси ўзининг ҳозирги «давлат бошлиғи» деган маъносида юнон ва рим республикалари даврида ҳам, Англия ва Нидерландиядаги илк буржуа республикалари даврида ҳам қўлланилмаган. Масалан, қисқа муддат республикага айланган Англияда ижро этувчи ҳокимиятни тахтдан ағдарилган монарх

ўрнига дастлабки даврда Давлат кенгаши амалга оширган. Нидерландияда ҳам ижро этувчи ҳокимият ваколатлари олий коллегиял органга берилган.

АҚШ жаҳонда давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлиғи лавозимларини бир шахсда бирлаштириб президент лавозими таъсис этилган илк мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, президентлик институти сиёсий тизимнинг энг муҳим институтларидан бири сифатида айнан АҚШда вужудга келган. Ижро этувчи ҳокимият ҳамма жойда мерос бўлиб ўтадиган, монархик хусусиятга эга бўлган, ўша даврнинг бошқа давлатларидан фарқли ўларок, АҚШда давлат бошлиғи умумий сайлов жараёнида сайланган.

Европада давлат бошлиғи сифатидаги президент лавозими жорий этилган (1848 йил) илк мамлакатлар икки республика – Франция ва Швейцария ҳисобланади. Улардан ташқари, Европанинг бошқа давлатларида монархия XIX аср охиригача сақланиб қолган (Осиё ва Африка давлатлари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади).

XX асрда ўз кўламига кўра улкан бўҳронлар – инқилоблар, жаҳон урушлари, мустамлакачи империяларнинг парчаланиши кўп сонли янги мустақил давлатлар ташкил топишига олиб келди. Бу давлатларнинг ҳаммаси ҳам президент республикаларига айлангани йўқ, лекин уларнинг аксариятида мамлакат президенти лавозими таъсис этилди.

XX аср охиридан бошлаб жаҳон майдонида юз берган ўзгаришлар президентлик институти янада кенг тарқалишига туртки берди. Бу жараён МДҲ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасини ҳам четлаб ўтмади.

Ўзбекистон демократик ва ҳуқуқий давлат сифатида, сайлов жараёни умумэтироф этилган сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро мезонлари билан мос келувчи эркин ва демократик сайловларсиз тасаввур қилиниши ҳам мумкин эмас. 2015 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро сайлов стандартларига мувофиқ ўтказилади. Бундан ташқари, халқаро стандартлар Ўзбекистон Республи-

каснинг миллий қонунчилиги нормаларига нисбатан устунликка эга бўлади. Бу Ўзбекистон Республикаси имзолаган ҳужжатларга ҳам, халқаро ҳуқуқ принциплари ва конвенцион нормалари таърифланган халқаро шартномалар бўйича у ўз зиммасига олган мажбуриятларга ҳам тўла тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларнинг асосий манбалари жумласига универсал сайлов стандартлари ҳам киради. Мазкур стандартларнинг универсаллиги шу билан белгиланадики, улар Ер қуррасининг исталган қитъасидаги давлатларда амал қилади. Шундай ҳужжатлардан бири БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг 21-моддасида қуйидаги қоида мустақамланган: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода вақти-вақти билан ўтказиладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз ифодасини топиши, мазкур сайловлар умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа тенг қимматга эга бўлган шакллар воситасида ўтказилиши лозим».

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида баён этилган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактда ўз ифодаси топган. Мазкур пакт кўп томонлама шартнома шаклида қабул қилинган ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясидан фарқли равишда иштироки давлатлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлган ҳужжат сифатида белгиланган. Ҳозирги вақтда 129 давлат унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги замонавий халқаро сайлов стандартлари билан узвий боғлиқ ҳамда бир-бирини бойитиш ва уйғунлашув асосида жадал ривожланмоқда, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Демократия рақобатсиз, яъни плюралистик сиёсий тизимсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Сиёсий плюрализм ҳуқуқий давлатнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади».

Сайлов қонунчилиги тизимининг негизини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига махсус боб бағишланган ва сиёсий плюрализмни амалда қафолатлашга қаратилган бир қатор асосий принциплар мустаҳкамланган. Бундай боб кўпгина давлатларнинг конституцияларида мавжуд эмас.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги тизими ўз ривожланиш жараёнида бир неча босқичдан ўтди. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимини ривожлантириш учун 1991 йилда 18 ноябрь қабул қилинган биринчи қонун Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади.

Собиқ Иттифоқнинг деярли барча республикаларида, собиқ Югославия Социалистик Федератив Республикаси таркибига кирган мамлакатларда (Босния ва Герцеговинадан ташқари), шунингдек, Чехия ва Словакияда президент лавозими таъсис этилди. Шундай лавозимни Монголия ҳам жорий этди. Бугунги кунда президентлик бошқаруви – Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америкадаги кўпгина мамлакатлар

сиёсий тизимларининг ажралмас элементи ҳисобланади. Аини вақтда, ҳар бир мамлакат ўз сиёсий ҳаётида президент қандай роль ўйнаши лозимлигини мустақил белгилайди.

### **Президентнинг конституциявий мақоми ва сиёсий тизимдаги ўрни**

Президент ваколатлари, унинг мақоми ва муайян мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни, энг аввало, тегишли конституциявий нормалар билан белгиланади. Чунончи, Италия Конституциясининг 87-моддасида: «Республика Президенти Давлат бошлиғи ҳисобланади», дейилган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида эса: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди», деган қоида мустаҳкамланган.

Кўпгина конституцияларда президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги ёки олий ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ҳуқуқий мақоми билан бир қаторда, у ўз ваколати муддати мобайнида бажариши лозим бўлган бир қатор ижтимоий муҳим маънавий-сиёсий ва фуқаролик мажбуриятлари ҳам белгиланган. Авваламбор, у ўзининг барча ҳаракатларида ўз мамлакати Конституцияси ва бошқа қонунларига оғишмай рия қилиши талаб этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёди (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддаси) матнида шундай дейилади: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий рия этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Айрим мамлакатларнинг конституцияларида президент давлат ва жамиятдаги турли кучлар ўртасида ҳакам вазифасини бажариши назарда тутилган. Франция Конституциясининг

5-моддасига мувофиқ, «президент... ўз ҳакамлиги билан оммавий ҳокимият органлари нормал фаолият кўрсатишини таъминлайди».

Кўпгина мамлакатларнинг конституциявий нормаларида президент ўз фаолиятида бирон-бир алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларини ҳимоя қилмаслиги, балки бутун жамият равнақи йўлида иш кўриши лозимлиги назарда тутилган.

Бундай мажбуриятлар ва президент фаолиятининг расмий белгиланган стандартлари давлат бошлиғи лавозимининг обрўсини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва унинг фазилатларини кучайтиришга қаратилган.

Президент бошқаруви шакли кенг тарқалгани ҳозирги дунёда иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг умумий мураккаблашуви билан ҳам боғлиқ. Президент лавозимига номзодга ҳамма жойда катта талаблар қўйилади: ёш цензи – 35–40 ёш, туғилганидан буён мазкур мамлакат фуқароси бўлиш, сайлов кунигача мамлакатда узоқ муддат яшаш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевоқифа сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Президент лавозимини эгаллаш муддати 4–7 йил оралиғида белгиланган (АҚШда – 4 йил, Германияда – 5 йил, Италия, Францияда – 7 йил).

### **Президент, ярим президент ва парламент республикаларида президент ваколатлари**

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, президентлик институти АҚШда вужудга келган. «Асосчи оталар» ўз мамлақатида президент лавозимини жорий этиш орқали ишонч билан «президентликнинг америкача модели» деб номлаш мумкин бўлган моделни шакллантириш учун замин яратдилар.



Турли мамлакатларда у ёки бу тизимларнинг вужудга келиши кўплаб омиллар билан белгиланади. Бошқарув тизими-ни танлашда субъектив омил етакчи сиёсий лидер сиймосида улкан роль ўйнаши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарув тузилмаси кўп жиҳатдан айнан шундай лидерга мослаштириб ташкил этилади. Шу туфайли ҳам айрим мамлакатларда давлат бошлиғи функцияларини конституциявий монарх ёки президент бажарадиган, аммо ижро этувчи ҳокимият амалда парламент олдида ҳисобдор бўлган ҳукумат қўлида жамланадиган парламент бошқаруви тизими қарор топган, айрим мамлакатларда эса бошқа сиёсий институтлар билан мувозанатга солинган ёки ўз ваколатларига кўра қонунчилик ва суд ҳокимиятларидан устун турадиган кучли президент ҳокимияти яратилган.

Жаҳоннинг ҳозирги сиёсий харитасида шундай мамлакатлар ҳам борки, уларда президентга кўп ва турли ваколатлар берилган, аммо у фақат федерал ижро этувчи ҳокимият доирасида иш кўради ва ҳокимият бўлиниши конституциявий принцинга мувофиқ бутун давлат аппаратини яқка ўзи бошқара олмайди. Бу соҳада Конгресс ва Олий суд унинг тўла ҳуқуқли ҳамкорлари ҳисобланади.

Президентликнинг америкача модели ўзининг оқилоналиги билан ажралиб туради: унда бошқа бир қатор мамлакатларга хос бўлган, кўпинча президент ва бош вазир ҳукумат сиёсати-га ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш учун рақобатлашадиган ижро этувчи ҳокимият дуализми мавжуд эмас. Бундан ташқари, мазкур модель президент ҳокимиятининг ворисийлиги нуқтаи назаридан ўзининг ўта барқарорлигини исботлаган. АҚШ тарихида турли сиёсий ва иқтисодий инқирозлар, урушлар ва бошқа бўҳронлар кўп юз берганига қарамай, мазкур мамлакатда президент сайлови бирон марта ҳам бекор қилинмаган ёки кечиктирилмаган, ҳар доим АҚШ Конституциясида белгиланган муддатларда ўтказилган.

Президентликнинг америкача модели АҚШ сиёсий тизимида қўшҳокимиятчилик юзага келишига, яъни президент ўз

сиёсатини олиб бориши, Конгресс эса ўз сиёсатини амалга оширишига ҳам йўл қўймайди. Ҳатто президент бир партия вакили бўлган, Конгрессдаги кўпчиликни эса муҳолиф партия вакиллари ташкил этганда ҳам ҳокимият бўлиниши ва мувозанати тизими давлат сиёсатининг ягоналигини таъминлайди.

АҚШда шаклланган президентлик модели ўзининг кўпгина белгиларига кўра Лотин Америкаси, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида ҳам жорий этилган. Аммо Африканинг баъзи мамлакатларида мазкур модель баъзан очикдан-очик тоталитар тузум шакл-шамойилини касб этади, чунки конституциявий даражада парламентлар ҳукмрон президент иродасидан ҳимояланмаган ва унинг кўрсатмасига биноан тарқатиб юборилиши мумкин. Қонунчилик ҳокимияти сингари суд ҳокимияти ҳам президентга бўйсунди: давлат бошлиғи судьяларни шахсан тайинлайди ва уларнинг фаолиятини назорат қилади.

Осиё ва Африкадаги президентлик ҳокимиятига тавсиф берганда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур қитъалардаги айрим мамлакатлар (Исроил, Ливан, Ҳиндистон)да европача президентлик модели билан кўпроқ мос келадиган президент бошқаруви тизимлари вужудга келган.

Ғарбий Европада президент ҳокимиятининг америкача ва осие-африкача андозалари ўзлаштирилмаган. Бу ерда ё ярим президентлик, ё парламент бошқарув тизими шаклидаги соф европача модель шаклланган. Бу тизимларнинг иккаласи ҳам президентлик ҳокимияти америкача ва осие-африкача моделлари билан таққослаганда президентнинг нисбатан чекланган ваколатларини назарда тутди. Ярим президентлик бошқарув шаклида президент – давлат бошлиғи, аммо у, қоида тариқасида, ҳукумат бошлиғи ҳисобланмайди ва бош вазир лавозимини эгалламайди.

Ярим президентлик республикаси шароитида президент ўз лавозимида кўра, қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳисобланади. Бундан ташқари, у ташқи сиёсатни белгилаш ва амалга оширишда етакчи роль ўйнайди. Агар бу ваколат-

ларнинг барчасига президентнинг муайян шароитда мамлакатда фавкулудда вазият жорий этиш ҳуқуқини, шунингдек, ўз ташаббуси билан умумхалқ референдумини ўтказиш ҳуқуқини ҳам кўшсак, ярим президентлик республикасида ҳам президент – давлат сиёсатига сезиларли даражада таъсир кўрсатишга қодир бўлган нуфузли ва фаол куч, деб тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Шу билан бир вақтда, америкача президентлик ҳокимияти модели билан таққослаганда, Европадаги ярим президент бошқаруви модели бутун ижро этувчи ҳокимиятни тўлиқ эгаллашга йўл қўймайди. Мазкур моделда президент ҳукумат бошлиғи ҳисобланмайди, балки ҳукуматнинг ўзи ҳам амалда парламентдаги партиялар фракцияларининг ўзаро нисбатига қараб шакллантирилади.

Ярим президентлик бошқарув моделида ҳукумат президент олдида эмас, балки парламент олдида жавоб бериши ҳам президентлик ҳокимиятини чекловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ярим президентлик бошқарув моделида ҳукумат президентдан анча мустақил ҳисобланади, чунки у парламентга таянади. Пировард натижада, мухолиф партия вакили бўлган бош вазир президентга бўйсунмайди, натижада давлат бошлиғи «армиясиз генерал» аҳволига тушиб қолиши мумкин. Президент ҳукумат фаолияти учун жавоб бермаса ҳам, ҳукумат сиёсатига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ваколатларга эга бўлади. Президент ва парламент бошқарув тизимларининг бундай бирикмаси ярим президентлик моделини ҳосил қилади.

Давлат ҳокимияти ярим президентлик модели Францияда V Республика қурилишида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Ҳозирги вақтда мазкур модель муайян кўринишда бошқа қатор мамлакатларда, шу жумладан, яқинда пайдо бўлган, ўз сиёсий тизимларини тубдан ислоҳ қилган давлатларда мавжуд.

Президент лавозими мавжудлигини назарда тутувчи парламент бошқаруви тизимида президент конституциявий давлат бошлиғи ҳисобланади. Бу ҳукумат ва унинг фаолияти амалда президент ваколатлари доирасидан чиқарилганини англата-

ди. Бош вазир ва унинг ҳукумати олий қонунчилик органига ҳисобот бериб туради, мазкур орган уларга нисбатан ишончсизлик вотумини билдирган ҳолда, улар парламент томонидан истеъфога чиқарилиши мумкин. Президент эса парламент бошқаруви шароитида ҳукуматнинг фаолияти учун жавоб бермайди, партиялардан юқори турувчи шахс, ҳукукий тартибот кафили, конституциявий тузумнинг дахлсизлиги тимсоли ҳисобланади.

Кучли сиёсий инқирозлар даврида, хусусан, ҳукумат истеъфо берган ёки турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги рақобат кескин тус олган пайтларда айнан давлат бошлиғи ҳокимиятнинг ворисийлигини сақлаш, жамиятда осойишталикни қўллаб-қувватлаш ва барча фуқаролар қонунийликка риоя этишлари учун имконият яратувчи олий мансабдор шахс сифатида фаолият юритади. Ярим президентлик ва парламент бошқарув тизимларида президент лавозимининг муҳим барқарорлаштирувчи кучи шу билан белгиланадики, бош вазирлар ва уларнинг кабинетлари келиб кетаверади, давлат бошлиқлари эса ўз лавозимларида ваколат муддатлари тугагунга қадар қолиш конституциявий ҳукуқига эга бўлади.

Президент бошқарадиган одатдаги парламент республикалари қаторига ГФР, Швейцария, Ирландия, Венгрия ҳамда Европа ва Осиёдаги бошқа қатор мамлакатлар киради.

Сайлов ўз илдизлари билан қадим замонларга бориб тақаладиган кўҳна ҳодиса эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ сайлов тартиб-таомиллари ҳали-ҳануз жамиятнинг етуқлик даражасига, бундай тадбирларни ўтказиш тажрибаси бор ёки йўқлигига ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ.

Масалан, қатор мамлакатларда сайловга сайловчиларнинг келиши кўрсаткичлари анча содда, лекин самарали усул билан кўтарилади. Жаҳоннинг йигирмадан зиёд мамлақатида овоз бериш учун келиш қонун билан белгиланган норма ҳисобланади. Бинобарин, мамлакат учун муҳим кунда сайловга келмаган ҳар бир фуқаро қонунни онгли равишда бузган ҳисобланади. Тўғри, бу мамлакатларнинг айримларида мазкур қонунни буз-

ганлик учун алоҳида жазо назарда тутилмаган, бироқ, масалан, Австралияда сайловга келмаганларга жарима солинади. Греция ва Перуда бир қатор давлат муассасалари охири сайловга келмаганларга айрим давлат хизматлари кўрсатишни рад этади. Сайловга келмаганлик учун энг оғир жазо Бразилияда назарда тутилган – бу ерда сайлов участкасига узрли сабабсиз келмаган 18 ёшга тўлган бразилияликка токи у ўз айбини келгуси сайловда ҳозир бўлиш йўли билан ювмагунча паспорт берилмайди.

Бошқа бир мисол – жинсий белгига кўра камситиш. Бундай ҳол яқиндагина, ҳатто, маърифатли Европада ҳам кузатилган: Швейцарияда аёллар сайлов ҳуқуқига 1971 йилгача эга бўлмаганлар, маҳаллий аҳамиятга молик айрим сайловларда эса швейцариялик аёллар 1991 йилгача иштирок эта олмаганлар.

Ўзбекистон Республикаси амалиётида эса Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ: «Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади...».

Мазкур норма 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 1 ва 2-моддалари, 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг 7-моддаси, 1965 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг 5-моддасига тўла мос келади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш мақсадида, 1994 йил 5 майда Ўзбекистон

Республикаси МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилди. Мазкур Қонун республикамизнинг сайлов қонунчилиги тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Жаҳоннинг энг ривожланган демократик мамлакатларида ҳам ўхшаши бўлмаган бу қонунда фаол сайлов ҳуқуқи ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигини инсон ҳуқуқларига доир асосий халқаро ҳужжатларда қайд этилган стандартларга мувофиқ амалга ошириш механизмлари мустаҳкамланди.

АҚШ ўз ҳудудида қабул қилинган баъзи қонунларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, Нью-Мехико штатида мавжуд қонунга кўра, сайловда тенг миқдорда овозлар тўплаган бирон лавозимга номзодлар сайлов якунини бирон-бир беллашув ёрдамида ҳал қилишлари мумкин. Мазкур қонун сайловда берилган овозлар сони мэр лавозимига номзод икки шахс ўртасида тенг бўлинган, у 1998 йилдан қўлланган: номзодлардан бири покер ўйнашни, иккинчиси эса, кимор ўйини соққасини ташлашни таклиф қилган. Пировардида танга ташланган ва у сайлов якуни покер ўйинида ҳал қилинишини белгилаган. Ютиб чиққан номзод мэр лавозими эгаллаган.

Аммо буларнинг барчаси аксарият ҳолларда табассум уйғотадиган фактлар, холос. Жаҳоннинг барча мамлакатларида парламент ва президент сайловларини ўтказиш бўйича 2014 йилги тақвимга назар ташлайдиган бўлсак, сайловлар жараёни қай даражада муҳим эканлигига яна бир карра гувоҳ бўламиз. Хусусан, 2014 йилда Марказий Африка Республикаси, Миср, Яман, Словакия, Македония, Афғонистон, Жазоир, Мальта, Литва, Малави, Колумбия, Сурия, Исроил, Индонезия, Туркия, Уругвай, Руминия ва Сальвадорда президент сайлови бўлиб ўтди.

### **Президент сайлови қандай ўтказилади?**

Ҳозирги замон жаҳон амалиётида президент сайловининг икки тури – тўғридан-тўғри ва билвосита сайловлар мавжуд.

Ўз навбатида, тўғридан-тўғри сайловлар ё умумий сайлов, ё референдум кўринишида ўтказилиши мумкин. Билвосита сайловларда президент:

- 1) парламент томонидан;
- 2) парламент ва штатлар, провинциялар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг вакиллари томонидан;
- 3) сайловчилар ҳайъати томонидан сайланади.

Умумий, тўғридан-тўғри сайловларда президентни сайлаш демократик хусусият касб этади, сайловчиларга амалда сайлаш имкониятини фақат муайян мамлакатда бир эмас, балки бир нечта сиёсий кучлар сайловолди курашида иштирок этиш учун озми-кўпми тенг шароитларга эга бўлган ҳолда беради.

АҚШда, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Лотин Америкаси мамлакатларининг аксариятида тўғридан-тўғри президент сайловлари сайловчиларнинг овозлари учун етакчи партияларнинг навбатдаги беллашувига айланади. Натижада сайловчиларнинг кўпчилиги фикрига кўра, энг жалб қилувчан сиёсий дастурни таклиф қилган ва шахс сифатида президент вазифаларини бажариш учун ўз рақибларига қараганда кўпроқ мос келадиган номзод ғолиб чиқади. Шу билан бир вақтда, бир партияли тизим ҳали-ҳануз ҳукмронлик қилувчи мамлакатларнинг аксариятида муҳолифатдан номзодларда президент сайловида ғалаба қозониш имконияти амалда мавжуд эмас.

Турли мамлакатлардаги президент сайловларида номзодларнинг аксарияти ё партияларнинг лидерлари, ё уларнинг вакиллари ҳисобланади. Сайловда ғалаба қозониш имкониятига айнан улар эга бўладилар, чунки етакчи партиялар сайловчиларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни вақтда у ёки бу сайлов тизимининг демократиклик даражаси кўп жиҳатдан бирон-бир партия билан боғлиқ бўлмаган мустақил номзодларни кўрсатиш ва ўз номзодини ўзи кўрсатиш учун қонунлаштирилган ҳуқуқий имконият мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги) билан ҳам ўлчанади. Демократик мамлакатларда мустақил номзодлар президент сайловида фаол иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳукукига сиёсий партиялар эгадирлар. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотнома; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 414-ХП-сонли Қонуни 242-моддаси «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби» // «Норма» ҳукуқий тизими. 2015 йил 1 январгача бўлган ҳолатга кўра.



Кўпгина мамлакатларда умумий ва тўғридан-тўғри президент сайловлари бир ва икки турдан иборат ҳолда ўтказилиши мумкин. Биринчи турдан кейин президентликка сайланиш учун номзод Австрия ва Финляндияда сайловда иштирок этган барча сайловчилар овозлари умумий миқдорининг ярмидан кўпроғини тўплашининг ўзи кифоя қилади, Францияда эса берилган овозлар сонининг мутлақ кўпини тўплаш талаб этилади. Агар биринчи турда Асосий қонунда назарда тутилган овозлар сонини номзодларнинг бирортаси ҳам тўплаган бўлмаса, президент сайловининг иккинчи тури ўтказилади ва унда биринчи турда энг кўп овозлар сонини тўплаган икки номзод иштирок этади. Иккинчи тур ғолиби мамлакат президенти лавозимини эгаллайди.

Айни вақтда АҚШда президент сайловлари аксарият ҳолларда бир турда ўтказилади, чунки бу ерда нисбий кўпчилик мажоритар сайлов тизими амал қилади. Бошқа номзодларга қараганда сайловчилар овозларининг кўпроқ сонини, шунингдек, сайлов ҳайъатлари аъзолари овозлари сонининг энг кўп сонини тўплаган номзод ғолиб чиқади. Гап шундаки, АҚШда умумий, аммо билвосита президент сайловлари ўтказилади.

Кўшма Штатларда президент сайлови унда сайловчилар ҳайъатидан фойдаланилиши билан ҳам фарқ қилади. Ҳар бир штат ва Колумбия округида берилган сайловчиларнинг овозлари сони уларнинг ҳар биридан сайлов ҳайъати аъзоларини белгилаш учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади, сўнг мазкур сайлов ҳайъати аъзолари президентни сайлайдилар. Нисбий кўпчилик тизими АҚШда президент лавозимига мамлакат сайловчилари овозлари умумий сонининг ярмидан камроғини тўплаган номзод сайланишидан иборат вазиятни бир неча марта юзага келтирган (1876, 1888 ва 2000 йилги АҚШ президент сайловларида).

Европанинг кўпгина мамлакатларида қабул қилинган президентни парламент депутатлари томонидан сайлаш тартиб-таомилларига келсак, улар ҳамма жойда озми-кўпми бир хил.

Масалан, Италияда президент парламент иккала палатасининг кўшма мажлисида сайланади. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларнинг конституцияларида президентнинг ваколат муддатлари тўғрисида моддалар мавжуд. 4 ёки 5 йиллик муддат, айниқса, кенг тарқалган, айрим мамлакатларда эса президент ўз ваколатларини камида 6 ёки 7 йил давомида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Бунда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тузилади, округ сайлов комиссияларининг аъзолари эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан

хабардор қиладилар. Бунда Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Сайлов жараёнида ошкоралик унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиши билан таъминланади.

Президентликка номзод учун конституциявий ва сиёсий нормалар ҳам мавжуд. Деярли барча мамлакатларнинг конституциялари президентликка номзод, албатта, **ўз мамлакати фуқароси бўлишини** талаб қилади. Бунда айрим мамлакатларда муайян **ўтроқлик цензи** мажбурий ҳисобланади. Масалан, АҚШда президентликка номзод мамлакат ҳудудида камида 14 йил муқим яшаган бўлиши лозим. Аммо АҚШга қўшни мамлакат – Мексикада президентликка номзод мамлакат ҳудудида сайлов кунига қадар атиги бир йил муқим яшаганининг ўзи кифоя қилади.

Чет элда президентликка номзодларга қўйиладиган талаблар орасида уларнинг **динга мансублиги** муҳим роль ўйнайди. Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг аксариятида президентлар ўзларини тақводор одамлар сифатида намоён этадилар.

Кўпгина мамлакатларда белгиланганидек президентликка номзодлар ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлмасликлари керак. Бошқача қилиб айтганда, давлат бошлиғи **ноҳарбий шахс** бўлиши лозим. Ниҳоят, кўпгина мамлакатларда президентликка номзодлар учун муайян **ёш цензи** белгиланган. Айниқса кенг тарқалган нормага кўра, президент лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган шахс сайланиши мумкин. Шу нарса диққатга сазоворки, президент лавозимини эгаллаш учун энг паст ёш чегараси белгиланган мамлакатларда мазкур лавозимда бўлишнинг йўл қўйиладиган юқори чегараси белгилаб қўйилмаган. Ғарбий Европа ва АҚШда президент лавозимига, одатда, ёши элликдан ошган одамлар сайланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига оғишмай рияз этилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, сайловчилар ҳуқуқлари қафолатларининг биринчи гуруҳи овоз бериш натижаларини аниқлаш ва сайлов яқунларини чиқаришдан иборат сайлов жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ. Чунончи, овоз бериш натижаларини сохталаштириш имкониятига чек қўйиш мақсадида сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаш овоз бериш вақти тугаганидан кейин дарҳол бошланади, овоз бериш яқунлари аниқлангунга қадар танаффуссиз ўтказилади. Овоз бериш яқунлари ҳақида участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари, номзодлардан кузатувчилар, шунингдек, чет эллик (халқаро) кузатувчилар хабардор қилиниши лозим.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, даврий, сохталаштирилмаган, эркин ва рақобатга асосланган сиёсий сайловларни ўтказиш жараёнида фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини билдириш ҳуқуқини амалга оширишларини таъминлашда сайлов комиссиялари алоҳида роль ўйнайди. Шу туфайли ҳам қафолатларнинг иккинчи гуруҳи сайлов комиссиялари фаолияти ва уни ташкил этишни тартибга солиш билан боғлиқ.

Барча турдаги сайловлар қонун ҳужжатларида белгиланган сайлов комиссиялари тизими томонидан ўтказилади. Мазкур сайлов комиссиялари овоз беришни ташкил этиш ва сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш борасидаги ишларнинг асосий ҳажми бажарилишини таъминлайди.

Қафолатларнинг учинчи гуруҳи сайлов яқунларини чиқариш бўйича давлатнинг роли. Мазкур тизим сайлов жараёни, қарорлар, овоз бериш натижалари ва сайлов яқунларининг қонунийлиги ва ҳаққонийлиги сайлов жараёнининг барча иштирокчилари томонидан сўзсиз тан олиншини таъминлайди.

Қафолатларнинг тўртинчи гуруҳи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг

сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартлари ва талаблари билан мос келадиган сайлов қонунчилиги яратилганини қайд этиш лозим.

Бир қатор мамлакатлар амалиётида президент сайлови яқунлари чиқарилганидан ва унинг натижалари расмий эълон қилинганидан кейин навбатдаги босқич президентлик республикаларида олдинги президент ҳукумати ўз ишини яқунлайдиган, сайланган президент эса лавозимга киришга тайёргарлик кўрадиган давр ҳисобланади. Бу давр нисбатан қисқа (Никарагуада – 1 ой, Венесуэлада – 2 ой) ёки узоқ (АҚШда – 3 ой) бўлиши мумкин.

Сайланган президент лавозимга киришгунга қадар давлат ва ҳукумат бошлиғи ваколатларига эга бўлмайди, аммо у вазирлар, бошқа идораларнинг раҳбарлари ва девон ходимлари лавозимларига ўз номзодлари ҳақида расман эълон қилиш ҳуқуқига эга. Одатда, янги президент ўз кабинетини шакллантиришни инаугурация кунига қадар яқунлайди, шундай қилиб, ваколатлар бир президентдан бошқа президентга ўтказиладиган пайтда янги ҳукумат ижро этувчи ҳокимият аппаратини бошқариш учун киришишга тайёр бўлади.

АҚШда инаугурация пайтида янги президент ёнида истеъфога кетаётган президент туради, президент ҳокимиятининг ворисийлиги, барча партиялар ва сиёсий лидерлар мамлакат сиёсий тизимининг конституциявий асосларига содиқлиги тимсоли ҳисобланади. Ҳокимиятни топшириш ва янги президентга давлат ва ҳукумат бошлиғи ваколатларини тўлиқ бериш жараёнининг легитимлиги шунда ўз аксини топадики, лавозимга кираётган президент қасамёдини АҚШ Олий судининг раиси қабул қилади.

Президент умумий сайловда эмас, балки парламентда овоз бериш йўли билан сайланадиган мамлакатларда эса янги президентнинг лавозимга киришиши дарҳол юз беради.

## Президентнинг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабати

Президентлар ва партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар муайян мамлакатларда мураккаб хусусият касб этади. Мазкур ўзаро муносабатлар президентлик институтининг табиатидан келиб чиқадиган алоҳида хусусиятга эга.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, баъзи мамлакатларда президент айни вақтда ҳукмрон партия раҳбари ҳамдир. Давлат ва партия ҳокимиятини бир шахсда бундай бирлаштириш президентлик институтининг Африка-Осиё моделига хос.

АҚШда партиялар тизими хусусиятига кўра, бу мамлакат президенти ўз партиясининг номинал ёки реал лидери бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон мазкур партиянинг раҳбарлик аппаратини шахсан бошқармайди. Боз устига, мазкур раҳбарлик аппаратининг ягона партиявий интизомни таъминлаш ва президентни қўллаб-қувватлаш имкониятлари анча чекланган. Албатта, АҚШнинг ҳар бир президенти ўз партияси лидерларини ўзи томонга оғдиришга ҳаракат қилади, аммо бунда у мазкур шахсларга таъсир кўрсатиш учун уставда белгиланган партиявий-маъмурий воситаларга эга эмас, боз устига, республикачилар ва демократларда партия устави ҳам йўқ. Президент фақат партия бўйича ўз ҳамкасбларидан ўзи билан муросаи мадора қилиш ва сиёсий битимлар тузишни сўраши ва бунга уларни кўндириши мумкин. Президент федерал ижро этувчи ҳокимият раҳбари бўлгани боис, у ёрдами ўзига керак бўлган шахсларга таъсир кўрсатиш воситаларининг анча самарали тўпламига эга. Аммо кўпинча ўз партияси аъзоси бўлган конгрессмен ёки сенаторни президент томонга оғдириш учун мазкур сиёсий прессинг воситаларининг барчаси ҳам ёрдам бермайди.

Шу билан бир вақтда, президентлик бошқарув тизими (айниқса, америкача моделда) президентнинг ўз партиясидан сезиларли даражада мустақиллигини назарда тутди. Бу партия президентга ишончсизлик вотуми билдириши ва уни

хамда унинг маъмуриятини истеъфога чиқариши мумкин эмас. Тўғри, унда импичмент қўзғатиш имконияти мавжуд, аммо бу таомилни партия функционерлари эмас, балки фақат олий қонунчилик органи аъзолари қўллашлари мумкин. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, АҚШ президенти ўз партиясининг дастурий мўлжалларидан бутунлай мустақил бўлган сиёсат олиб бориши мумкин.

Европача андозадаги ярим президентлик бошқарув тизимида президентнинг ҳукумат аъзоларини тайинлашга бўлган ҳуқуқи президентлик моделидаги шундай ҳуқуқ билан таққослаганда нисбатан чекланган хусусият касб этади. Бу чеклов шу билан белгиланадики, биринчидан, президент ва бош вазир лавозимлари назарда тутилган Европа мамлакатларининг конституциялари давлат бошлиғи учун айна вақтда ҳукуматга ҳам раҳбарлик қилиш имкониятини истисно этади. Иккинчидан, ярим президентлик бошқарув тизимида президент фақат ҳукумат бошлиғини, боз устига парламентдаги кучлар нисбатини ҳисобга олган ҳолда шахсан тайинлаши мумкин. Айна вақтда, ярим президентлик бошқаруви сиёсий кучларнинг шундай бир нисбатини ҳам истисно этмайдики, бунда парламент сайлови натижасида мамлакат олий қонунчилик органида кўпчилик ўринларни президентга муҳолиф партия вакиллари эгаллайди. Бу ҳолда президент бош вазирни тайинлашда танлаш эркинлигини расман сақлаб қолади, аммо у парламент кўпчилигининг манфаатларини инobatга олмаса, ушбу номзод Миллий мажлисда рад этилиши муқаррар. Парламент сайлови натижасида биронта ҳам партия олий қонунчилик органида кўпчилик ўринларни эгалламаган айрим ярим президентлик республикаларида муаммонинг ечими партиясиз ҳукуматни тузиш йўли билан топилиши мумкин. Парламент бошқарув тизими амал қилувчи мамлакатларда ҳам президентлар бош вазирни тайинлаш конституциявий ҳуқуқига эга бўладилар, аммо бу ҳуқуқ расмий хусусият касб этади, чунки ҳукумат раҳбари лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масалани амалда етакчи партияларнинг лидерлари парламент сайлов натижа-

ларига ёки олий қонунчилик органларидаги ҳукмрон коалициялар таркибининг ўзгаришига қараб ҳал қиладилар. Бундай расмий ҳуқуққа ГФР, Австрия, Исроил, Исландия, Ирландия, Ҳиндистон президентлари эга.

Вазирлар ва ҳукуматнинг бошқа юқори раҳбарларини тайинлаш масаласига келсак, ярим президентлик ва парламент бошқарув тизимларига эга бўлган мамлакатларнинг барчасида президентнинг мазкур ҳуқуқи фақат бош вазир билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Вазирлар, турли ижроия маҳкамаларининг раҳбарлари ва бошқа юқори мартабали мансабдор шахслар президентнинг у ўз сиёсатини амалга ошириш жараёнида биринчи навбатда таянадиган энг яқин сиёсий даврасини ҳосил қилади. Аммо улар самарадорлиги даражаси пировард натижада бутун ҳукумат сиёсатини белгилайдиган кўп сонли давлат аппарати-нинг кичик бир қисминигина ўзида ифодалайди. Қолган тайинлашлар эса Ғарбда «фуқаролик хизмати» деган ном олган давлат хизмати тизимининг нормалари ва тартиб-қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

### **Хулоса ўрнида**

Президентлик институти МДХ мамлакатлари учун нисбатан янги ҳодиса, бу ерда уни жорий этиш жараёни XX асрнинг 80-йиллари охирида бошланган. Шу сабабли, мазкур мураккаб жараёнда катта тажрибага эга бўлган демократик мамлакатлар тажрибасига мурожаат этиш, бизнингча, ўринли бўлади. Шу маънода, ГФР ва АҚШ Асосий қонунларининг президентни сайлаш жараёнини тартибга солувчи қоидалари диққатга сазовор. Бу мамлакатларда президентнинг роли анча фарқ қилади. ГФР – «парламент» республикаси, АҚШ эса – «президент» республикаси, шу сабабли бу мамлакатларда давлат бошлиғини сайлаш усуллари ва уларнинг ваколатлари ҳам бир-биридан бутунлай фарқ қилади.



## **Германия Федератив Республикаси**

– Республика Президенти Федерал мажлис томонидан музокараларсиз сайланади. Бундестагга сайланиши ҳуқуқига эга бўлган ва қирқ ёшга тўлган ҳар бир немис Президент этиб сайланиши мумкин.

– Республика Президентининг ваколатлари беш йил давом этади. У кейинги сайловларда янги муддатга фақат бир марта сайланиши мумкин.

– Федерал мажлис Бундестаг аъзоларидан ва ерларнинг халқ вакиллари томонидан пропорционаллик асосида сайландиган шу сондаги аъзолардан таркиб топади.

– Федерал мажлис қонунда белгиланган Президент ваколатлари муддати тугашидан кечи билан 30 кун олдин, унинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда эса – шу санадан кечи билан 30 кун олдин йигилади. У Бундестаг раиси томонидан чақирилади.

– Федерал мажлис аъзоларининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади. Агар икки марта овоз беришда бундай кўпчилик овоз тўпланмаган бўлса, кейинги овоз беришда энг кўп овозлар сонини тўплаган шахс сайланган ҳисобланади.

– Сайлаш тартиб-қоидалари махсус федерал қонунда батафсил белгиланган.

– Республика Президенти Ҳукумат таркибига ҳам, Федерация ёки бирон-бир Ернинг қонунчилик органи таркибига ҳам кириши мумкин эмас.

Республика Президенти бошқа бирон-бир ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, тижорат ёки бошқа касб билан шуғулланиши ёинки, даромад олиши мақсадини кўзлаган корхонанинг раҳбар органи ёки кузатув кенгаши таркибига кириши мумкин эмас.

– Конституциянинг 56-моддасига мувофиқ, Республика Президенти лавозимга киришадиганда Бундестаг ва Бундесратнинг йиғилган аъзолари олдида қуйидаги қасамёдни қабул қилади: «Ўзимнинг бор кучимни немис халқининг равнақи йўлида сарфлашга, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга,

*уни зарар кўришдан асрашга, Асосий қонун ва Федерация қонунларига риоя этиш ҳамда уларни кўриқлашга, ўз мажбуриятларимни виждонан бажаришга ва ҳаммага нисбатан адолатни барқарор этишга қасамёд қиламан. Бу ишда менга Тангри мададкор бўлсин».*

*Қасамёдни диний ваъдасиз қабул қилишга ҳам йўл қўйилади.*

### **Америка Қошма Штатлари**

Бу мамлакатда президентни сайлаш механизми анча мураккаб: у нафақат ҳар бир сайловчининг ҳуқуқларини, балки ҳар бир штатнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олишни назарда тутади. Зотан, АҚШ, ГФР сингари, федератив давлат ва у ҳар бири ўз Конституциясига эга бўлган алоҳида, анча мустақил штатлардан иборат. Фуқаролар расман президентни эмас, балки сайлов ҳайъати аъзоларини сайлайдилар ва уларга президентни сайлаш бўйича ўз ваколатларини ўтказадилар. Сайлов куни у ёки бу номзод сайлов ҳайъати аъзоларининг нечтасини «олиши»га қараб амалда ким президент бўлишини аниқлаш мумкин. Бироқ расман президентни сайлаш жараёни шу билан тугамайди. Хўш, бу мураккаб жараён ҳақида Конституцияда нима дейилган?

*– Ижро этувчи ҳокимият Қўшма Штатлар президенти-га ишониб топширилади. У ўз лавозимини тўрт йиллик муддат мобайнида эгаллаб туради ва шу муддатга сайланадиган вице-президент билан бирга қўйидаги тартибда сайланади.*

*– Ҳар бир штат ўз легислатураси белгилайдиган тартибда штат Конгрессга юбориш ҳуқуқига эга бўлган сенаторлар ва вакилларнинг умумий сонига мутаносиб миқдорда сайлов ҳайъати аъзоларини тайинлайди, аммо бунда бирон-бир сенатор ёки вакил ёхуд Қўшма Штатлар томонидан таъсис этилган масъул ёки даромад келтирадиган лавозимни эгаллаб турган шахс сайлов ҳайъати аъзоси этиб тайинланиши мумкин эмас.*

*– Конгресс сайлов ҳайъати аъзоларини сайлаш муддатлари ва улар овоз берадиган кунни белгилаши мумкин; бундай кун Қўшма Штатларнинг бутун ҳудуди учун ягона бўлиши лозим.*

– Туғилишига кўра ёки ушбу Конституция қабул қилинган пайтгача Қўшма Штатлар фуқароси бўлган шахсдан ташқари, бирон-бир шахс Президент лавозимига сайланиши мумкин эмас; худди шунингдек ўттиз беш ёшга тўлмаган ва ўн тўрт йил мобайнида Қўшма Штатларда яшамаган бирон-бир шахс бу лавозимга сайланиши мумкин эмас.

– Президент белгиланган муддатларда ўз хизмати учун ҳақ олиб туради, бу ҳақ миқдори у сайланган муддат мобайнида кўпайтирилиши ҳам, камайтирилиши ҳам мумкин эмас, ушбу муддат доирасида у Қўшма Штатлардан ёки бирон-бир штатдан бошқа ҳеч қандай даромад олиши мумкин эмас.

– Лавозимга киришиши олдидан Президент қўйидаги қасамёдни келтиради ёки тантанали равишда ваъда беради: «Қўшма Штатлар Президенти лавозимини виждонан бажаришига, Қўшма Штатлар Конституциясини қўллаб-қувватлаш, қўриқлаш ва ҳимоя қилишга бутун кучимни бахшида этишига тантанали равишда қасамёд қиламан (ёки ваъда бераман)».

## **XII тузатиш**

Сайловчилар ўз штатларида йиғиладилар, ҳеч бўлмаса бири улар билан битта штатдан бўлмаган Президент ва вице-президент учун бюллетенлар билан овоз берадилар; улар ўз бюллетенларида Президент сифатида овоз бераётган шахсни ва алоҳида бюллетенларда – вице-президент сифатида овоз бераётган шахсни кўрсатадилар; улар ўзлари Президент сифатида овоз берган барча шахсларнинг ва вице-президент сифатида овоз берган барча шахсларнинг алоҳида рўйхатларини тузадилар ҳамда уларнинг ҳар бири учун берилган овозлар сонини кўрсатиб ўтадилар; бу рўйхатларни улар имзолаб, тасдиқлаб ва муҳрлаб Қўшма Штатларнинг ҳукумати жойлашган манзилга сенат раиси номига юбордилар. Сенат раиси сенат ва вакиллар палатаси ҳозирлигида барча муҳрланган рўйхатларни очганидан сўнг овозлар санаб чиқилади. Президент учун берилган овозларнинг энг кўпини олган шахс Президент этиб сайланади, башарти, овозлар сони

барча сайловчиларнинг кўпчилик овозини ташиқил этган бўлса; агар биронта ҳам шахс кўпчилик овозни олмаган бўлса, вакиллар палатаси зудлик билан энг кўп овоз тўплаган шахслар орасидан (уларнинг сони Президент сифатида овоз берилган шахсларнинг учтасидан ортиқ бўлмаслиги керак) бюллетенлар билан овоз бериши орқали Президентни сайлайди. Аммо Президент сайловида овозлар штатлар бўйича берилади, бунда ҳар бир штат вакиллиги битта овозга эга бўлади; бу ҳолда барча сенаторларнинг учдан икки қисми кворумни ташиқил этади ва Президентни сайлаш учун барча сенаторларнинг кўпчилик овози талаб этилади. Бироқ конституциявий талабларга кўра, Президент лавозимига сайланиши мумкин бўлмаган биронта ҳам шахс Қўшма Штатларнинг вице-президенти лавозимига сайланиши мумкин эмас.

## **XX тузатиш**

1-бўлим. Президент ва вице-президентнинг ваколат муддатлари, ушбу модда ратификация қилинмаган тақдирда мазкур муддатлар тугаши лозим бўлган йилларда январь ойининг 20-чи куни чошгоҳда, сенаторлар ва вакилларнинг ваколат муддатлари эса – январь ойининг 3-чи куни чошгоҳда тугайди; худди шу пайтдан эътиборан улар ворисларининг ваколат муддатлари бошланади.

3-бўлим. Агар Президент ваколатлари муддатининг бошланиши сифатида белгиланган пайтга келиб сайланган Президент вафот этган бўлса, сайланган вице-президент унинг ўрнига Президент лавозимини эгаллайди. Агар Президент унинг ваколатлари муддатининг бошланиши сифатида белгиланган пайтгача сайланган бўлмаса ёки сайланган Президент бу лавозимга номзодларга қўйилган талабларга жавоб бермаса, сайланган вице-президент токи Президент бундай талабларга жавоб бермагунга қадар Президент сифатида иш олиб боради; сайланган Президент ҳам, сайланган вице-президент ҳам уларнинг лавозимларига номзодларга қўйилган талабларга жавоб бермаса, Конгресс Президент сифатида

ким иш олиб боришини кўрсатадиган ёки Президент сифатида иш олиб бориши лозим бўлган шахсни сайлаш тартибини белгилайдиган қонун қабул қилиши мумкин; бундай шахс токи Президент ёки вице-президент уларнинг лавозимларига номзодларга қўйилган талабларга жавоб бермагунга қадар тегишли вазифаларни бажариб туради.

4-бўлим. Конгресс қонунда вакиллар палатаси – сайлаш ҳуқуқи унга ўтганида – Президентликка сайлаши мумкин бўлган шахслардан кимдир вафот этган тақдирда ҳамда сенат – сайлаш ҳуқуқи унга ўтганида – вице-президентликка сайлаши мумкин бўлган шахслардан бири вафот этган тақдирда қўрилиши лозим бўлган чораларни назарда тутиши мумкин.

### **XXII тузатиш**

Биронта ҳам шахс Президент лавозимига икки мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас ва Президент лавозимини икки йилдан ортиқ эгаллаб турган ёки бошқа шахс Президент этиб сайланган муддатдан икки йилдан ортиқ вақт мобайнида Президент сифатида иш олиб борган биронта ҳам шахс Президент лавозимига бир мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Бироқ, ушбу модданинг амал қилиши у Конгресс томонидан таклиф этилган пайтда Президент лавозимини эгаллаб турган шахсга жорий этилмайди ва ушбу модда кучга кирадиган муддат мобайнида Президент лавозимини эгаллаб турадиган ёки Президент сифатида иш олиб борадиган бирон-бир шахсга бундай муддатнинг қолган қисми мобайнида Президент лавозимини эгаллаб туриши ёки Президент сифатида иш олиб боришига тўсқинлик қилмайди.

### **XXV тузатиш**

1-бўлим. Президент ўз лавозимидан четлатилган ёки вафот этган ёхуд истеъфо берган тақдирда, вице-президент Президент лавозимини эгаллайди.

2-бўлим. Агар вице-президент лавозими вакант бўлиб қолса, Президент вице-президентни тайинлайди ва у Конгресснинг иккала палатасидаги кўпчилик овозлар билан тасдиқланганидан сўнг лавозимга киришади.

## ГЛОССАРИЙ

**БИЛВОСИТА САЙЛОВЛАР** – билвосита сайловлар, агар улар мамлакат ҳаётига таъсир кўрсатувчи юксак лавозимларни эгаллаш ва мансабдор шахсларни сайлашга нисбатан янада профессионал, оқилона ёндашувни таъминласа, мақсадга мувофиқ ҳисобланиши мумкин. Билвосита сайловларни қўллаш тўғрисидаги масала – мамлакатнинг муайян шароитлари, унинг тарихи, миллий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган мақсадга мувофиқлик масаласи. Билвосита сайловларнинг икки тури мавжуд: билвосита ва кўп босқичли сайловлар (уларни баъзан кўп даражали сайловлар деб ҳам аташади). Билвосита сайловларнинг икки варианты мавжуд. Биринчи вариантда сайловни бунинг учун махсус тузиладиган сайлов ҳайъати ташкил этади. Бунга АҚШ президентини сайлаш мисол бўлади: бунда сайловчилар у ёки бу партиядан сайлов ҳайъати аъзолари учун овоз берадилар, сўнг сайлов ҳайъати аъзолари ўз штатлари пойтахтларида йиғилиб, у ёки бу партиядан эълон қилинган президентликка номзод учун овоз берадилар. Штатлар сайлов ҳайъати аъзоларининг овозлари АҚШ пойтахти – Вашингтонда қўшилади. Бундай тартиб Аргентинада ҳам мавжуд, XX асрнинг 90-йилларигача у муайян тузатишлар билан унитар Финляндияда ҳам қўлланилган. Францияда сенат билвосита сайлов йўли билан сайланади, бу ерда номзодлар учун овоз берадилар: а) мазкур департамент – маъмурий-худудий бирликдан сайланган парламент қуйи палатаси аъзолари; б) энг йирик маъмурий-худудий бирлик – минтақа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – кенгашларнинг аъзолари; в) департаментлар марказий кенгашларининг аъзолари; г) бундай овоз бериш учун муниципал кенгашлар томонидан махсус сайланган кенгаш аъзолари. Билвосита сайлов йўли билан Ҳиндистонда парламентнинг юқори палатаси, Германияда президент ҳам сайланади. Иккинчи вариантда сайловлар махсус тузиладиган сайлов ҳайъати томонидан эмас, балки доимий ишлайдиган орган томонидан ташкил этилади. Бунга Греция,

Туркия ва бошқа мамлакатларда президентларни парламентлар томонидан сайлаш мисол бўлади. Кўп босқичли сайловлар бошқача йўл билан ташкил этилади. Қуйи вакиллик органлари бевосита фуқаролар томонидан сайланади, сўнг мазкур органлар юқори турувчи вакиллик органларига депутатларни сайлайди, депутатлар эса олий бўғинни сайлайди ва ҳ.к. Илгари бундай тизим СССР, Куба, Ангола, Мозамбикда қўлланилган. Ҳозирги вақтда у Хитойда мавжуд.

**Д’ОНДТ УСУЛИ** – пропорционал вакиллик тизими бўйича сайловларда мандатларни тақсимлаш усули, бельгиялик математик Д’Ондр (Victor D’Hondt) томонидан кашф этилган. Энг катта ўртача қиймат усули билан бир хил натижаларни беради. Д’Ондр усулига мувофиқ, сайлов округида ҳар бир партия рўйхатини олган овозлар сони олдинма-кетин 1, 2, 3, 4 ва ҳоказолар рўйхатлар сонига мос келувчи рақамга бўлинади. Сўнг олинган хусусий қийматлар камайиб бориш тартибида тақсимланади. Тартиб рақами эгалланган мандатлар сони билан мос келувчи хусусий қиймат умумий бўлувчи ҳисобланади. Ҳар бир рўйхат умумий бўлувчи мазкур рўйхат олган овозлар сонига неча марта бўлинган бўлса, шунча ўринларга эга бўлади. Бу усул Болгария, Эстония, Латвия, Польша, Руминия ва бошқа бир қатор мамлакатларда қўлланилади.

**ЖИНСИЙ ЦЕНЗ** – сайлов ҳуқуқи (фаол ёки пассив сайлов ҳуқуқи)ни жинсий белгига кўра қонун йўли билан чеклаш, хусусан хотин-қизларга сайлов ҳуқуқини рад этиш. Бу XIX аср ва XX асрнинг бошида ҳамма давлатларда мавжуд бўлган. Янги Зеландияда – 1893 йилда, Финляндияда – 1906 йилда, Буюк Британия ва Россияда – 1918 йилда, АҚШда – 1920 йилда, Францияда – 1944 йилда, Японияда – 1945 йилда, Швейцарияда – 1971 йилда, Лихтенштейнда – 1976 йилда бекор қилинган. Ҳозирги вақтда баъзи давлатларда, масалан, Қувайтда сақланиб қолган.

**МУҚОБИЛ САЙЛОВ** – бир-бири билан рақобатлашувчи икки ёки ундан ортиқ номзодлар орасидан бирон-бир органга мансабдор шахсни сайлаш.

**НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ** (сайлаб қўйиладиган лавозимларга) – сайлов жараёнининг асосий босқичларидан бири. Бу уч асосий усул билан амалга оширилади: а) сайловчилар томонидан кўрсатиш, ўз номзодини ўзи кўрсатиш ёки сайловчилар қўллаб-қувватлаши билан ўз номзодини ўзи кўрсатиш (имзолар тўплаш йўли билан) – Франция, Дания, Бельгияда; б) сиёсий партиялар томонидан киритиш – ГФР, Австрия, Финляндия, Япония, Швейцарияда; в) алоҳида таомил – праймериз («бирламчи сайлов») йўли билан кўрсатиш (сайлов билан бир хил тартибда ўтказилади) – АҚШ ва бошқа баъзи мамлакатларда.

**ПАРЛАМЕНТ РЕСПУБЛИКАСИ** – республика бошқарув шаклининг бир тури бўлиб, қуйидаги белгилар билан тавсифланади: парламент юридик жихатдан тўлиқ ҳокимиятга эга бўлган орган ҳисобланади, ўз олдида жавоб берадиган ҳукуматни шакллантиради, нафақат давлат бошлиғи, балки ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам ҳисобланадиган президентни сайлайди (бевосита ёки алоҳида сайловчилар ҳайъати таркибида). Одатда, президент ўз ваколатларини фақат бош вазир томонидан бошқариладиган ҳукумат таклифига биноан амалга оширади. Парламент ҳукуматга ишончсизлик вотумини билдириб, уни истеъфога чиқариши мумкин. Бу ҳолда президент (ҳукумат таклифига биноан) парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайловни эълон қилиш ҳуқуқига эга. Парламент республикасининг классик модели ГФР ва Италияда мавжуд.

**ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМ** – жамиятнинг сиёсий тузилишини тавсифлайдиган ва ўзи ҳам, бир томондан, сиёсий партиялар ва давлат ўртасидаги муносабатлар билан, иккинчи томондан эса партиялар сиёсий тизимнинг ижтимоий элементлари ва фуқаролар билан муносабатлари ўзаро тавсифланадиган институт. Йигирмага яқин мамлакатлар (Бутан, Уммон, Қатар, Кувейт, Саудия Арабистони ва бошқ.)да сиёсий партиялар расман тақиқланган. Қолган давлатларда бир партияли ёки кўп партияли тизимлар мавжуд. Конституциявий ҳуқуқ фанида бир



етакчи партиядан иборат кўп партияли («бир ярим партияли») тизимлар (Япония, Мексика, Швеция), икки етакчи партиядан иборат кўп партияли («икки партияли») тизимлар (АҚШ, Буюк Британия), икки етакчи партиядан иборат, улардан бири доим нисбатан кичик партия (партиялар) билан иттифокқа таянишга мажбур бўлган («икки ярим партияли») тизимлар (ГФР), соф кўп партияли тизимлар (Франция, Россия Федерацияси) фарқланади. Қонунда қайд этилганидек тизим партиялар сони уларнинг алоҳида бир турини ташкил этади (1966–1979 йиллар Бразилияда, 1976–1990 йиллар Сенегалда мавжуд бўлган, ҳозирги вақтда Нигерия ва Индонезияда мавжуд). Бир партияли тизимлар тоталитар ва авторитар тузум ҳукм сурувчи мамлакатларга хос. Бунда ягона партиянинг «раҳбарлик роли» конституциявий йўл билан мустаҳкамланади. Ҳозирги вақтда бир партияли тизимлар КХДР, Вьетнам, Лаос, Кубада амал қилмоқда. ХХРда сохта кўп партияли тизим мавжуд: бу ерда ҳукмрон коммунистик партия билан бир қаторда уни сўзсиз кўллаб-қувватлайдиган бир нечта «жажжи» партиялар фаолият олиб боради.

**ПАРТИЯВИЙ ЦЕНЗ** – бир партияли тизимдан иборат бўлган қатор давлатларда қўйиладиган талаб, унга кўра, пассив сайлов ҳуқуқига фақат ҳукмрон сиёсий партия аъзолари эга бўлади. Бошқа хил партиявий цензлар кўп партияли тизимдан (Мексика, Перу, Тайланд) ёки партиялар сони қайд этилган тизимдан (Индонезия) иборат мамлакатларда мавжуд. Бу ерда парламентга сайловларда номзодлар киритиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлиб, бу амалда партиясизларни пассив сайлов ҳуқуқидан маҳрум этади.

**ПАРТИЯЛАР РЎЙХАТЛАРИ** – пропорционал сайлов тизими бўйича ўтказилаётган вакиллик органларига сайловда сиёсий партиялар ва сайлов бирлашмалари (блоклар) томонидан киритиладиган номзодлар рўйхатлари.

**ПОРТФЕЛСИЗ ВАЗИР** – вазирликларга раҳбарлик қилмайдиган, лекин бош вазирнинг алоҳида топшириқларини бажарадиган ва ҳукумат мажлисларида ҳал қилувчи овоз бе-

риш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар – ҳукумат аъзолари. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда мавжуд.

**ПРАЙМЕРИЗ** (ингл. primaries) – АҚШда дастлабки сайлов бўлиб, уни ўтказиш жараёнида марказий ва маҳаллий вакиллик органларига депутатликка номзодлар, сайлаб қўйиладиган бошқа лавозимларга номзодлар киритилади, миллий партиявий конвентларнинг делегатлари, Демократик ва Республикачилар партиялари қўмиталарининг аъзолари сайланади. 1842 йилдан бошлаб қўлланилади.

**ПРЕЗИДЕНТ** (лот. praesidens – олдинда ўтирувчи) – республика бошқарув шакли мавжуд мамлакатларда давлат бошлиғи. Республикалар типига қараб президентнинг конституциявий мақоми ва ваколатлари сезиларли даражада фарқ қилади. Классик намунаси АҚШ ҳисобланган президентлик республикасида президент, нафақат давлат бошлиғи, балки ижро этувчи ҳокимият раҳбари, яъни маъмурият (АҚШда, Лотин Америкаси мамлакатларида) ёки ҳукумат бошлиғи (Замбияда) ҳамдир. Бош вазир лавозими, одатда, бўлмайди. Президент халқ томонидан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) сайланади. Парламент республикаси (ГФР, Италия)да президент – давлат бошлиғи (лекин ҳукумат бошлиғи эмас). Ижро этувчи ҳокимият амалда бош вазир томонидан бошқариладиган ҳукумат кўлида бўлади, бу президент ҳужжатларининг аксариятини контрассигнация қилиш талаб этилишида ўз ифодасини топади. Президент, одатда, парламент томонидан ёки унинг иштирокида сайланади. Аралаш типдаги ёки ярим президентлик республикалари (Франция, Португалия, Польша)да президент фақат давлат бошлиғи бўлган у ҳолда, унга амалда ҳукуматни ҳам бошқариш имконини берадиган реал ҳокимият ваколатларига эга бўлади. Мазкур тизимда президент умумий сайловда сайланади. Президентлик моделидан қатъи назар, давлат бошлиғи конституцияга мувофиқ қуйидаги ваколатларга эга бўлади: халқаро муносабатларда мамлакат номидан иш кўради, халқаро шартномалар тузади, ҳукумат (маъмурият) аъзолари ва судьяларни тайинлашда иштирок этади,

қонунларни тасдиқлайди ва промульгация қилади, фармонлар чиқаради, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ва вето ҳуқуқига эга бўлади, орден ва медаллар билан муқофотлайди, олий ҳарбий унвонлар беради, афв этиш ҳуқуқини амалга оширади, фуқаролик масалаларини ҳал қилади, дипломатик миссияларнинг раҳбарларини тайинлайди ва чақириб олади. Муайян вазиятларда парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайловларни эълон қилиш ҳуқуқига эга.

**ПРЕЗИДЕНТЛИК** – 1) президент лавозими; 2) президентлик фаолият.

**ПРЕЗИДЕНТУРА** – бирон шахснинг президент лавозимидаги ваколатлари муддати ҳамда мазкур лавозимда фаолият кўрсатиш даври.

**САЙЛОВ** – давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини овоз бериш йўли билан шакллантириш усули. Фуқаролар ўз сайлаш ҳуқуқини амалга ошириши, улар давлатни бошқаришда иштирок этиши шаклларида бири. Сайловлар парламент ва президент сайловлари (қайси орган сайланишига қараб), умумий ёки қисман (агар парламент таркибининг бир қисми сайланаётган бўлса), умумдавлат ёки маҳаллий, навбатдаги ёки муддатидан илгари, бир партияли, кўп партияли ёки партиясиз, муқобиллик асосида ёки муқобилсиз (агар фақат битта номзод киритилган бўлса), тўғридан-тўғри ёки билвосита (кўп босқичли), асосий ёки қўшимча бўлиши мумкин.

**САЙЛОВ БИРЛАШМАЛАРИ** – сайловларда номзодлар кўрсатиш ва сайлов жараёнида бошқача тарзда иштирок этиш ҳуқуқи берилган вақтинчалик ёки доимий хусусиятга эга бўлган ташкилотлар.

**САЙЛОВ БЛОКЛАРИ** – бир ёки бир нечта сиёсий партияларнинг давлат бошлиғи, марказий ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларида номзодларни ёки номзодлар рўйхатини биргаликда киритиш ҳақидаги келишув. Сайлов блоклари тузиш тартиб-қоидалари тегишли мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, энг аввало, сайлов тизими хусусиятларига боғлиқ бўлади.

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ** – яширин овоз бериш учун тасдиқланган шаклдаги сайлов хужжати. Расмий (давлат томонидан чоп этилган) ва норасмий (Францияда сайлаб қўйиладиган лавозимга номзоди киритилган шахслар, партиялар томонидан чоп этилади, Норвегияда сайловчи оддий оқ қоғоз варағидан фойдаланиши мумкин) сайлов бюллетенлари фарқланади.

**САЙЛОВ КВОТАСИ** (сайлов метри, сайлов хусусий қиймати, сайлов ўртача қиймати) – бир депутатни сайлаш учун зарур бўлган овозларнинг энг кам сони. Сайлов квотаси ҳар бир сайлов округи учун ҳам, бутун мамлакат учун ҳам белгиланиши мумкин.

**САЙЛОВ КОДЕКСИ** – бир қатор давлатлар (Франция, Жазоир, Франциянинг собиқ мустамлакалари)да сайлов ҳуқуқининг барча асосий нормалари тизимлаштирилган кўринишда жамланган махсус қонун хужжати.

**САЙЛОВ КУРИЯЛАРИ** – сайловчилар миллий, касбий ва бошқа белгиларга кўра бўлинадиган алоҳида даражалар, шунингдек, мазкур даражаларни ташкил этувчи, сайловчиларнинг ўзлари. Ҳар бир сайлов курияси ўз аъзолари сонидан қатъи назар муайян миқдордаги депутатларни олдиндан сайлайди. Ҳозирги вақтда сайлов курияларини ажратиш кам учрайдиган ҳолат, чунки бу тенг вакиллик принципига зид. Миллий сайлов курияларини ажратиш Фиджида, касбий сайлов курияларини ажратиш эса Индонезияда («функционал гуруҳлар») кўлланилади.

**САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ** – конституциявий ҳуқуқда сайловга амалий тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминлайдиган органлар. Турли давлатларда сайлов органлари сифатида ҳам махсус сайлов комиссиялари, ҳам мавжуд давлат органлари – муниципалитетлар, судлар, ички ишлар органлари амал қилишлари мумкин.

**САЙЛОВ ЦЕНЗЛАРИ** (квалификациялари) – сайлов ҳуқуқини олиш ёки амалга ошириш учун конституция ёки сайлов қонуни билан белгиланадиган шартлар. Турли мамлакатларнинг конституциявий амалиётига қуйидаги сайлов

цензлари маълум: ёш, фуқаролик, саводхонлик, мулкӣ, маълумот, ўтроқлик, жинсий, ирқӣй, хизматга, тилга оид цензлар. Мулкӣй, жинсий, ирқӣй сайлов цензлари доим камситувчи хусусият касб этади ва сайлов ҳуқуқининг демократик принциплари билан мос келмайди. Бошқа сайлов цензлари камситувчи хусусиятга эга эмас, лекин улардан шу мақсадда фойдаланилиши мумкин (масалан, ўтроқлик цензи чегараси ҳаддан ташқари ошириб белгиланганда).

**САЙЛОВ ҲАЙЪАТИ АЪЗОСИ** – билвосита (кўп босқичли) сайловда иккинчи (учинчи, тўртинчи) босқичда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс. Сайлов ҳайъати аъзоси ё фақат мазкур функцияни бажариш учун сайланади (АҚШ президентини сайлашда), ё эгаллаган лавозимига кўра сайлов ҳайъати аъзоси ҳисобланади (Францияда Сенатни сайлашда муниципалитетларнинг аъзолари).

**САЙЛОВ ҲОКИМИЯТИ** – Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатлари (Колумбия, Никарагуа ва бошқ.) расмий конституциявий доктринасига мувофиқ, давлатдаги мустақил оммавий ҳокимият тармоқларидан бири (қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари билан бир қаторда). Сайлов корпусини ташкил этувчи фуқаролар томонидан амалга оширилади. Ташкилий жиҳатдан мазкур ҳокимият ўз ваколатларини сайлов трибуналлари тузиш орқали амалга оширади (электорал адлия), сайловга оид низоларни кўриб чиқади.

**САЙЛОВЧИ** – муайян давлатнинг сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароси. Баъзан сайловчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс (одатда, маҳаллий сайловларда) бўлиши мумкин.

**ТИЛ ЦЕНЗИ** – шундай бир талабки, унга кўра, сайлов ҳуқуқларига эга бўлиш учун мазкур давлатнинг расмий (давлат) тилини (ё расмий тиллардан бирини, ё барча расмий тилларни) билиш зарур. Бир қатор кўп миллатли давлатларда тарқалган (баъзан саводхонлик цензи кўринишида). Айрим ҳолларда умумий тил цензидан ташқари малакали тил цензи белгиланади: масалан, Қозоғистон Конституциясига мувофиқ,

давлат тилини мукаммал биладиган Қозоғистон фуқароси республика президенти этиб сайланиши мумкин.

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛОВЛАР** – фуқаролар давлат органларига ўз вакилларини, айрим мансабдор шахслар (масалан, президент)ни тўғридан-тўғри сайлаши. Деярли ҳар доим (масалан, Бутан қироллиги бундан мустасно) тўғридан-тўғри сайловларда парламент қўйи палатаси, бир палатали парламент депутатлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўйи органлари (жамоа кенгашлари), бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари сайланади. Бироқ, айна ҳолларда истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Баъзи мусулмон мамлакатлари (Бангладеш, Покистон) да аёл депутатларнинг муайян сонини қўйи палатага парламентнинг ўзи сайлайди, бир палатали парламентда эса президент мамлакатнинг атоқли фуқаролари орасидан тайинлаган депутатлар оз миқдорда (масалан, Мисрда 10 кишигача) мавжуд бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда тўғридан-тўғри сайлов йўли билан парламентларнинг юқори палаталари (Бразилия, АҚШ), президентлар (Мексика, Франция), қонунчилик мажлисларининг қўйи палаталари ёки федерация субъектлари, автоном тузилмалардаги бир палатали мажлислар сайланади. Фақат бир мамлакат – Исроилда 1996 йилдан бошлаб тўғридан-тўғри сайлов йўли билан бош вазир сайланади.

**ШАК-ШУБҲАСИЗ САЙЛОВ** – бир қатор чет эл мамлакатларида мавжуд бўлган, фақат битта номзод рўйхатга олинган ҳолда амал қиладиган сайловни ўтказиш тартиби; бу ҳолда у ўз-ўзидан сайланган ҳисобланади.

**ЭЛЕКТОРАЛ АДЛИЯ** – бир қатор мамлакатларда сайлов кампаниялари ва давлат органларига сайловлар билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун мўлжалланган махсус суд органлари ёки судга ўхшаш органлар.

---

## МУНДАРИЖА

Президент институти .....	3
Президентнинг конституциявий мақоми ва сиёсий тизимдаги ўрни .....	7
Президент, ярим президент ва парламент республикаларида президент ваколатлари .....	8
Президент сайлови қандай ўтказилади? .....	14
Президентнинг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабати .....	22
Хулоса ўрнида .....	24
Глоссарий .....	30

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов-**  
Р 29 **лари:** халқаро тажриба/ М.А. Раҳимова/– Тошкент:  
«O‘zbekiston», 2015. – 40 бет.

ISBN 978-9943-28-259-9

УЎК: 342.563.12  
КБК 67.400.5(5Ў)

*Сайловчи кутубхонаси*

М.А. РАХИМОВА

**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:  
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

Мухаррир *А. Сувонов*  
Рассом-дизайнер *Ш. Ходжаев*  
Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*  
Техник муҳаррирлар: *Л. Хиждова*  
*Мусахҳиҳ М. Якубджанова*  
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*  
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга 2015 йил 13 февралда рухсат этилди. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>.

Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 2,5. Нашр табағи 2,49.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 15-93.

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-магбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



